

Тадбиркорлик асослари фанининг

“ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МОҲИЯТИ”

мавзуси бўйича

ТАҚДИМОТ

**Маърузачи: УрДУ
“Касб таълими” кафедраси
ўқитувчиси Таджиев Б.У**



“Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир.”

Ш.А.Каримов

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МОҲИЯТИ

Режа:

- 1. Тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Донгдор тадбиркорлар. Янги иқтисодий шароитда республикада тадбиркорликнинг ривожланиши. Чет элда тадбиркорлик.
- Ривожланган давлатларда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда давлатнинг роли. Америка, Япония, Европа бизнесининг ўзига хос томонлари ва улардан мамлакатимиз тадбиркорлигини ривожлантиришда оқилона фойдаланиш.
- Тадбиркорликнинг тушунчаси, асосий тамойиллари. Тадбиркорлик муҳити, унинг таркиби. Тадбиркор билан ёлланма ишчилар, тадбиркорлар билан истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро алоқани тартибга солиш.
- Тадбиркорлик вазифалари ва модели. Республикада, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устувор йўналишлари.

Тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Донгдор тадбиркорлар.

- Тадбиркорлик – ишбилармонлик фаоллигини юритиш, амалга ошириш санъатидир.
- Тадбиркорлик бу фикрлаш жараёнидир.

Тадбиркорлик Олий таълим тизимида мутахассислик сифатида, фан сифатида яқиндагина пайдо бўлди. Бу фан **АҚШда 1970** йилларда илк бор фан сифатида ўқитиш бошланган бўлса, **Ўзбекистонда** тадбиркорлик асослари мустақилликдан кейинги дастлабки йилларданок иқтисодиёт йўналишида мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юртларида фан сифатида ўқитила бошланди.

Тадбиркорлик фанининг предмети сифатида муайян ишбилармонлик мухитида иқтисодий муносабатларнинг фаол субъекти бўлмиш **инсоннинг ўз –ўзини ташкил этиш** усуллари ва тамоиллари ётади.

- **Ишбилармон кишининг ўз-ўзини ташкил этиш** – бу муайян товар, махсулот, хизматлар ишлаб чиқарувчиси тамонидан мукаммал, яхлит иш қилиш жараёнида ифода этувчи кетма – кет, ўзаро мантиқан боғланган хатти – ҳаракатлар мажмуини амалга оширишни назарда тутди.
- **Тадбиркорлик** – бу янгиликка интилиш, қандайдир бир янги ишни бошқаришга қарор қилиш, бирор ахамиятли нарсани яратишга интилишдир.

Машхур иқтисодчи **Й.Шумпетернинг фикрича**, “**Тадбиркор бўлиш** – бу бошқалар қилаётган ишни қилмаслик ва қилганда ҳам анашу ишни бошқаларникидек қилмасликдир”.

Бугунги кунда дунёда тадбиркорликнинг умумқабул қилинган тарифи мавжуд эмас. **АҚШлик олим, проф.Роберт Хизрич** тадбиркорликка шундай деб тариф беради: “ **Тадбиркорлик** – бу қийматга эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёнидир. Тадбиркор эса шу нарсани яратиш учун ўзининг бор вақти ва кучини сарфлайдиган, ўз зиммасига молиявий, рухий, ижтимоий маъсулиятни олувчи, ўз ишининг натижаси сифатида катта мукофот олувчи инсондир. ”

Тадбиркорлик фаолияти назариясининг ривожланишидаги

“Уч тўлқин” (+ 4чи тўлқин)

- **Биринчи тўлқин – 18 асрда** пайдо бўлган бўлиб, у тадбиркор тамонидан амалга ошириладиган таваккалчилик жараёнлари яъни тадбиркорнинг таваккалчилик хусусиятлари билан боғланган. Айнан иқтисодиёт фанида тадбиркорлик фаолиятига оид дастлабки тадқиқотлар ҳам **18 асрда Р.Кантилон, А.Тюго, Ф.Кене, А.Смит ва Ж.Б.Сей** асарларида амалга оширила бошланган.

Келиб чиқишига кўра, шотландиялик бўлган, француз иқтисодчиси **Р.Кантилон** “**биринчи тўлқин**”нинг асосий намоёндаларидан бўлиб, у тадбиркорликнинг муҳим хусусиятларидан бири сифатида таваккалчиликни ажратиб кўрсатади. **Р.Кантилон** фикрича, “**Тадбиркор** – воқеа ва ходисаларни олдиндан кўра билиш хусусиятига эга бўлган, ўз зиммасига барча масъулиятни олиб таваккал қилувчи, ўз хатти – ҳаракати туфайли даромад олишга умид қилувчи ва ҳар қандай йўқотишларга тайёр бўлган ихтиёрий бир шахсдир.”

- **Ричард Кантилон фикрича**, тадбиркор таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боисдан у **ер ва меҳнат** омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган.
- Кейинчалик, 18 аснинг охири ва 19 аснинг бошида машҳур француз иқтисодчиси **Ж.Б.Сей** (1767-1832) «Сиёсий иқтисод рисоласи» китобида (1803й.) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – **ер, капитал, меҳнатнинг** яхлитлиги деб таърифлаган эди. **Ж.Б.Сейнинг фикрича**, тадбиркор олган даромад унинг меҳнати, ишлаб чиқаришни ташкил этганлиги, маҳсулотни ўз вақтида сотганлиги учун берилган мукофотдир. Тадбиркор таваккал қилиб, бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўз бўйнига олади.
- **А.Смит фикрича, тадбиркор** – капитал эгаси. У муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор-бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир. Тадбиркорликдан олинган даромад, **А.Смит фикрича**, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофот.

- Америкалик иқтисодчи **Ж.Б.Кларк** (1847-1938) **Ж.Б.Сейнинг** «**учлик формуласига**» бир оз ўзгартириш киритди. Унинг фикрича, ишлаб чиқаришда доим тўрт омил иштирок этади:
- 1) капитал;
- 2) ишлаб чиқариш воситалари ва ер;
- 3) ишчининг меҳнати;
- 4) тадбиркорлик фаолияти.

Тадбиркорликнинг илмий англаш жараёнининг “**Иккинчи тўлқин**”и тадбиркорликнинг асосий хусусияти сифатида Инновацион фаолиятни ажратиб кўрсатиш билан боғлиқдир. Бу оқимнинг асосчиси буюк иқтисодчи олим **Й.Шумпетер** хисобланади. **Й.Шумпетер** тадбиркорликни иқтисодий ўсишнинг табиий омили сифатида “Ижтимоий-иқтисодий тараққиётда доимо марказий рўлни ўйнайдиган шахс” деб тарифлайди.

- **Й.Шумпетер** тадбиркорлик фаолиятида **3 та** мақсадли мотивларни ажратади:
 - **1.** Хўжаликка, хокимиятга бўлган интилиш;
 - **2.** Муваффақиятга нисбатан иродали бўлиш, рақиблари билан ва ўз-ўзи билан бўлган курашда ғалабага интилиш;
 - **3.** Мустақил иш юритиш туфайли олинадиган ижод қувончи, лаззати.
- **Й. Шумпетер** (1883-1950) ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси» китобида, **тадбиркорни новатор** (янгилик бунёд қилувчи одам) деб таърифлаган. Олим тадбиркорлик фаолиятини капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсишни таъминлашда катта рол ўйнайдиган янгиликларни жорий этишдан иборат, деб билади: **«Функцияси янги комбинацияларни жорий этишдан иборат бўлган хўжалик субъектларини биз тадбиркор деб атаймиз».** Америкалик иқтисодчи олим **Й.Шумпетер**нинг фикрига кўра, тадбиркорликнинг новаторлик характери қуйидагиларда акс эттирилади:
 - бозор учун янги товар ишлаб чиқариш;
 - ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш;
 - янги сотиш бозорларини ўзлаштириш;
 - хом ашёнинг янги турлари ва манбаларини топиш.

- **Й.Шумпетер** ва унинг издошлари бўлган неоавстрия иқтисодий таҳлил мактабининг кўзга кўринган намоёндалари **Л.Мизес, Ф.Хайклар** “**Учинчи тўлқин**” асосчилари ҳисобланади. **Уларнинг фикрича:**
“Тадбиркорнинг иши нафақат янги технологик усулларни тажриба қилиш, балки мавжуд усуллар ичидан кишилар учун айнан зарур бўлган нарсани энг қулай, энг арзон баҳода тамиглай оладиганини танлашдир”

“**Учинчи тўлқин**”нинг асосий ғояси шундаки, унда тадбиркорнинг муҳим **шахсий фазилатлари** (иқтисодий ва ижтимоий вазиятнинг ўзгаришида тўғри йўл топа билиш қобилияти, бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишда мустақиллик, бошқарув қобилиятларининг тўла намоён бўлиши) диққат марказида туради. **Л.Мизес ва Ф.Хайкнинг** ғояларини АҚШлик иқтисодчи **И.Киртснер** ривожлантирди ва унинг асарларида “**Тадбиркор бозорни мувозанатга келтирувчи куч**” сифатида талқин этилади.

Тадбиркорлик ривожланишининг hozirgi bosqichini shartli ravishda **“Тўртинчи тўлқин”**га misol qiliшимиз mumkin. Uning asosiy xususiyati shundan iboratki, oldingi davrlardan farqli ravishda hozirda **бировавларнинг пули эвазига тадбиркорлик қилиш** ривожланмоқда яъни **интелектуал капитал** билан **молиявий капитал** қўшилиши натижасида тадбиркорлик амалга оширилади ва бунга **“антрепренерлик”** дейилади.

Антрепренерлик = Инт.Капитал + Молия. Капитал

«антрапренер» атамаси амалиётга америкалик олим **Г.Пиншо** томонидан киритилган.

Шундай қилиб, **тадбиркорлик** – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг замирида мустақил ташаббус, жавобгарлик, тадбиркорлик ғоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ фаолият ётади.

- Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, **тадбиркорлик** жамият иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги янгиликларининг мазмунини ташкил этувчи фойдани ўзлаштиришга йўналтирилган амалий фаолиятдир.
- **Қозоғистонлик олимлар** тадбиркорликни 4 та унсурга ажратади:
 - 1. Ишлаб чиқариш фаолияти
 - 2. Тижорат фаолияти
 - 3. Молиявий фаолият
 - 4. Бошқарув фаолияти

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий **субекти** сифатида **тадбиркор, истемолчи, шерик, давлат ва ёлланма ишчи** майдонга чиқади.

Тадбиркорлик фаолиятининг **обекти** – **товар, маҳсулот ва хизматлар** ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади катта фойда, даромад келтирувчи, юқори талабга эга бўлган товар ёки хизматни бозорга таклиф қилишдир. Бу эса муайян **харажатлар** қилишни талаб қилади.

Харажат деганда муайян бир товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ пул кўринишидаги тадбиркор қилган сарфлар тушунилади.

Даромад бу тадбиркорни малум бир товар ёки хизматни сотиши натижасида унинг ҳисоб рақамига ёки кассасига тўлов сифатида тушувчи маблағлардир.

Масалан, банкдан сизнинг ҳисобингизга А шахсдан **500 минг сўм** товар етказиб берганингиз учун тўлов сифатида тушди. Бу товарни ишлаб чиқариш сизга **350 минг сўмга** тушди. У ҳолда **500 минг сўм** сизнинг даромадингиз, **150 минг сўм** эса **фойда** ҳисобланади.

- Бозор иқтисоди субъектлари хўжалик фаолиятида “**тадбиркорлик**” ва “**бизнес**” тушунчаларини бир-бири билан боғлиқ ва амалий жиҳатдан бир-бирининг ўрнига қўллаш мумкин. Лекин “**бизнес**” тушунчаси тадбиркорликка қараганда биров кенгрок тушунчадир. Тадбиркорлик фаолияти бизнеснинг бир шакли сифатида майдонга чиқади. “**Бизнес**” - сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда кишиларни фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир.
- **Бизнесмен** (тадбиркорлик) сўзи биринчи маротаба Англия иқтисодиётида **18 асрда** пайдо бўлиб, у “**Мулк эгаси**” деган маънони билдиради. Жумладан, **А.Смит** тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун қандайдир тижорат гоёсини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, - деб таъкидлайди. **Бизнес**- бу аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, ҳаётни ўзи сунгра эса пул ишлаш демакдир. **Бизнес**- бу хорижий сўздир. У бутун дунё бўйича тарқалгандир, ундан барча мамлакатларда фойдаланидилар. Ўзбек тилида эса **бизнес** сўзи тадбиркорлик, **бизнесмен** эса тадбиркор демакдир.

- **1995 йилнинг 21 декабр** ойда Олий Мажлис тамонидан қабул қилинган “**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни чиққан ва бу қонуннинг **2-моддасида** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг миқёси аниқ белгилаб берилган. Жумладан:
- Саноат ва қурилишда-**50 кишигача**
- Қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида-**25 кишигача**
- Фан ва илмий хизмат кўрсатишда-**10 кишигача**
- Чакана савдода-**5 кишигача** бўлган корхоналар кичик ва тадбиркорлик корхоналари ҳисобланар эди.

Ривожланган давлатларда, жумладан:

1. АҚШда **500** тагача ходим бўлган корхона кичик корхонадир.
2. Германия ва бошқа Ғарбий Европа давлатларида эса **300** тагача ходими бўлган корхона кичик корхонадир.

- Хорижий мамлакатларда **кичик корхоналарни 2та** ўзгача турларга бўлиш мумкин:
- **1. Хаётни тامينловчи корхоналар**
- **2. Тез ўсувчи корхоналар**

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- Корхоналар йириклашуви тенденциясининг пасайиши:
- аёллар иш кучининг иқтисодиётга кириб келиши;
- йирик ишлаб чиқаришда ходимларнинг қисқариши:
- янги корхоналарни очиш суръатининг ортиши ва бошқалардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августда **ПФ-3305**-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга асосан «ўрта корхоналар» тушунчаси бекор қилинди ва 2004 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади:

- **якка тартибдаги тадбиркорлар;**
- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони **20 кишидан**, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда **10 кишидан**, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида **5 кишидан** ошмаган **микрофирмалар**.


Қуйидаги тармоқларда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони:

- енгил ва озик-овқат саноти, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш ва мебел саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида – **100 кишидан** (2015 й 15 майдан бошлаб **200 кишигача**);
- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа саноат ишлаб чиқариш соҳаларида – **50 кишидан**;
- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида – **25 кишидан** ошмаган кичик корхоналар.


Юртбошимизнинг **2015 йилнинг 15 майидаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725** сонли фармонлари бу соҳани янада ривожлантиришда муҳим қадамлардан бири бўлди.

2015 йил 1 июлидан бошлаб, якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг **50 фоизи** миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун ўрнатилган ставканинг **30 фоизи** миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш шарти билан **бир нафардан уч нафаргача** ишчини ёллаш ҳуқуқи берилди.

1. Тадбиркорлик шакллари ва уларнинг хусусиятлари.



Якка тартибдаги тадбиркорлик ўз навбатида икки турга бўлинади



Хусусий тадбиркорлик

бу фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик асосида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Жамоа тадбиркорлиги

- бу бир гуруҳ фуқароларнинг ўзларига маъқул бўлган мулкчилик шаклларида жамоаларга бирлашиб, жамоа корхоналарини ташкил қилишлари ва шу асосда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишларидир.

Фирма

- **“Фирма”** аслида италянча сўз бўлиб, соф ўзбекча таржимаси **“имзо”** бўлади.
- **“Юқори сифатли маҳсулот тайёрловчи”** ва **“Намунали хизмат кўрсатувчи”** деган маъноларда ҳам ишлатилади.

фирма

бу ишлаб чиариш ресурслари эгаларининг қарорларини ва манфаатларини мувофиқлаштирувчи институционал тузилма ҳисобланади.

Фирма – муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган, бозордаги талаб ва таклифга қараб иш тутадиган, иқтисодий жиҳатдан эркин ва мустақил корхонадир.

Тадбиркорлик фирмаларининг асосий ташкилий шакллари:

хусусий
тадбиркорлик
фирмаси

масъулияти
чекланган ва
чекланмаган
жамиятлар

корпорация
(очиқ ва ёпиқ
турдаги
акционерлик
жамиятлари).

Фирма (корхона) ларнинг турлари

Документ Microsoft Word - Microsoft Word

Файл Правка Вид Вставка Формат Сервис Таблица Окно Справка Введите вопрос

100% Times New Roman 10 Ж К

3 1 2 1 1 1 1 1 1 1 2 1 3 1 4 1 5 1 6 1 7 1 8 1 9 1 10 1 11 1 12 1 13 1 14 1 15 1 16 1 17 1 1

Фирма (корхона) турлари			
Хусусий фирмалар	Ширкат фирмалар	Давлат корхоналари	Араш фирмалар
Масъулияти чекланмаган жамият	Масъулияти чекланган жамият	-қўшма корхоналар -концерн -консорциум -концессия -кооператив	-картел -синдикат -венчур -ижара -консалтинг -инжиниринг
Акциядорлик жамиятлари	Корпорация- лар		

Рисование Автофигуры

Стр. 1 Разд 1 1/1 На 16,7см Ст 22 Кол 1 ЗАП ИСПР ВДЛ ЗАМ английский

15.12.2015 Очқ дурс Малака ошириш Тош... 9 Маъзу Прция Марузалар матни Фи... Документ Microsoft ... EN 19:39

**Фирмалар мулк шакллари, ҳуқуқий ҳолати,
ходимлари сони ва бошқа хусусиятларига қараб, ҳар
хил бўлади:**

**Аффилланган
(қўшилган)
фирма**

**Брокерлик
фирмаси**

**Венчур
фирма**

**Инвестицион
фирма**

**Инновацион
фирма**

**Консалтинг
фирма**

**Риэлторлик
фирма**

Ўзбекистонда хусусий мулк шаклидаги корхоналар

Акциядорлик
жамиятлари
(АЖ)

Маъсулияти
чекланган
жамият (МЧЖ)

Қўшимча
маъсулиятли
жамият (ҚМЖ)

Қўшма
корхоналар

Хусусий
корхоналар

Оила
тадбиркорлиги

Фермер
хўжаликлари

Деҳқон
хўжаликлари

Ширкат
хўжалилари
(яйлов
чорвачилигида)

Масъулияти чекланган ва чекланмаган (Қўшимча масъулиятли) жамиятлар.

Масъулияти чекланмаган (Қўшимча масъулиятли) жамият

- фирмани биргаликда ташкил қилиб, биргаликда эгалик қилувчи ва бошқарувчи шахслар гуруҳи бўлиб, улар фирманинг барча мажбуриятлари бўйича тўлиқ жавобгарликни чекланмаган равишда ўзларининг зиммаларига оладилар.

Масъулияти чекланмаган (Қўшимча масъулиятли) жамиятлар

- икки ёки ундан кўпроқ кишиларнинг мулки асосида юзага келади. Шерикларнинг дастлабки мулки фирманинг устав капитали дейилади. Бу капиталга ҳар бир шерик ўз ҳиссасини қўшади. Улар устав фондига қанча пул қўйса, шу ҳиссага биноан фойда олишади. Борди-ю фирма синса, шериклар зарарни ҳамжиҳатликда кўтаради, яъни бир шерик бошқасининг жавобгарлигини ҳам зиммасига олади.

Акциядорлик жамиятлари (АЖ)

Акциядорлик жамиятлари

тузиш ва фаолиятини ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда ифодаланган.

Акциядорлик жамияти

бу жисмоний шахслар капиталларининг бирлашуви бўлиб, у акциялар чиқариш йўли билан ташкил этилади.

Акциядорлик жамияти қуйидаги афзалликларга эга:

- акция чиқариш орқали чекланмаган миқдорда маблағлар жалб қила олиш;
- акциядорларнинг жамиятдаги ўзи киритган маблағи доираси билан чегараланади;
- аъзоларнинг сони корхона фаолиятига катта таъсир кўрсатмайди;
- ташкилий расмийлаштириш акциядор ташкилоти органлари доирасидаги назорат вазифаларини тақсимлашга ёрдам беради, яъни қарор қабул қилиш жараёнида фақат малакали мутахассислар иштирок қилишади;
- акциядорликдан чиқиш тартибини осонлиги.

Акциядорлик жамиятида мулкый ҳуқуқларнинг тақсимланиши

Мулкый ҳуқуқ турлари	Мулкый ҳуқуқ субъектлари			
	Акциядор, корхона ходими	Акциядорлар йиғилиши	Ижро этувчи орган, корхона дирекцияси	Давлат мулки қўмитаси
Эгалик қилиш ҳуқуқи	+		+	+
Фойдаланиш ҳуқуқи	+		+	+
Тасарруф этиш ҳуқуқи	+		+	+
Даромад олиш ҳуқуқи	+		+	+
Капитал қиймат ҳуқуқи		+		
Хавфсизлик ҳуқуқи			+	+
Мерос ва васиятнома бўйича ўтиш ҳуқуқи	+			
Муддатсизлик ҳуқуқи	+			
Зарарли фойдаланишни таъқиқлаш ҳуқуқи				+
Ундириш кўринишидаги жавобгарлик ҳуқуқи	+	+		
Қолдиқ хусусияти ҳуқуқи		+		

Ҳиссадорлик жамияти ўзига хос булган 4 та хусусиятга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

У оддий корхона эмас, балки сармояларнинг бирлашуви натижасида юзага келган хўжалик ташкилотдир.

Унинг капиталида 3 турдаги пайчилар, хиссадорларнинг ,яъни :

- жисмоний шахслар;
- юридик шахслар;
- давлат мулки бадалидан юзага келиши мумкин .

Унинг устав фонди акцияларнинг хиссасига мос равишда юзага келади.

У ўз мулки ва даромадларига мос равишда маъсулиятни ўз зиммасига олади;

ХОЛДИНГ

Ўз таркибидаги акциядорлик жамиятларни назорат пакетларини эгаллаш билан корпорациялар холдинг компанияларига айланади.

Холдинг ибораси инглизча «holding» сўзидан олинган бўлиб, эга маъносини беради.

Холдинг компания – бу мулк эгалари томонидан бир қанча мустақил акциядорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятидир.

Холдинг компаниялари икки турда бўлиши мумкин:

- молиявий холдинг;
- аралаш холдинг.

Давлат корхоналари – бу давлат мулки бўлган ва унинг назорати остида ишловчи корхоналар бўлиб, улар ишлаб чиқаришдаги давлат секторини ташкил этади, энг муҳим ва масъулиятли вазифалар (мудофаа, алоқа, энергетика, транспорт ва бошқалар)ни бажаради.

**Жамоа тадбиркорлигининг Концерн, Консорциум, Кооператив,
Картел, Синдикат, Венчур корхоналар, Ижара корхоналар,
Инжиниринг корхоналар шакллари ҳам мавжуд**

- **Концерн** – бу ишлаб чиқариш диверсификацияси, яъни корхоналарнинг фаолият соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари турининг кенгайиши, янгиланиб туриши асосида таркиб топадиган йирик кўп тармоқли корпорация.
- **Консорциум** – бу аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган корхоналарнинг муваққат бирлашмасидир.
- **Кооперативлар.** Кооперативлар ўз аъзоларининг ресурсларини фойда олиш мақсадида бирлаштириш асосида вужудга келади.

Кооператив – бу кооперациянинг бирламчи бўғини.

Кооперация

- **Кооперация эса:**

- меҳнатни ташкил этиш шаклларида бири, кўпчилик ходимлар бир меҳнат жараёнида ёки ўзаро боғ'лиқ турли меҳнат жараёнларида ҳамкорликда иштирок этадилар;
- гуруҳ мулкчилигига асосланган хўжалик юритиш шарти;
- маълум бир маҳсулотни ўзаро ҳамкорликда тайёрлаш билан банд бўлган корхоналар ўртасидаги узок муддатли ва барқарор алоқалар шакли.

- **Кооператив** – бу юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, хўжалик юритувчи субъект. У жамоа мулки ҳуқуқидаги мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

- **Картел** – бу монополистик бирлашма шакли. Бир тармоқдаги мустақил корхоналар нархлар, бозор, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида ҳар бир иштирокчининг ҳиссаси, иш кучи ёллаш, патентлар ва бошқа масалаларда ўзаро битим тузилади. Бу тузилманинг мақсади монопол фойда олишдир.

- **Синдикат** – бу монополистик бирлашманинг бир тури. Улар бир тармоқ корхоналари ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда:
 - буюртмаларни тақсимлаш;
 - хом ашё сотиб олиш;
 - ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун ўзларининг тижорат фаолиятларини бирлаштириб, ягона идора тузадилар.
- **Венчур корхоналар** – бу кичик бизнеснинг бир тури бўлиб, улар:
 - илмий муҳандислик ишларини бажариш;
 - янги техника, технология, товар намуналарини яратиш;
 - ишлаб чиқаришни бошқариш;
 - тижорат ишини ташкил этиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
 - йирик фирмалар ва давлат ижара контракти буюртмаларини бажариш каби ишларни амалга оширадилар.
- **Ижара корхона** – бу мол-мулкни ёллаш бўйича мулк эгаси билан тадбиркор ўртасидаги иқтисодий муносабат.
- **Консалтинг** – бу ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техник лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолиятдир.

2015 йилнинг 9 ойлик яқунлари

(2014 йилнинг шу даврига нисбатан)

- ЯИМ – 8 %
- Саноат маҳсулотлари – 7,3 %
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – 6,6 %
- Чакана савдо айланмаси – 15 %
- Хизматлар ҳажми – 12,9 %
- Мамлакат ташқи савдо айланмаси ижобий сальдоси – 217,8 миллион доллар
- Давлат бюджети ЯИМга нисбатан – 0,1 % профицит билан бажарилди

9 ой яқунларига кўра КБХТ

- Янги ташкил этилган КБХТ субъектлари – 21,4 минг (6 % га ўсган)
- КБХТнинг ЯИМдаги улуши – 53,6 % (2014нинг шу даврида 52,9 % эди)
- КБХТ субъектларига ажратилган кредитлар – 9,6 миллион
- КБХТнинг саноатдаги улуши - 34,6 %
- КБХТнинг бандликдаги улуши – 77,5 %
- КБХТнинг пуллик хизматдаги улуши – 49,3 %

2015 йил якунлари

- ЯИМ – 8 %
- Саноат маҳсулотлари – 8 %
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – 7 %
- Чакана савдо айланмаси – 14 %
- Хизматлар ҳажми – 12,9 %
- Инфляция даражаси - 5,6 %
- Давлат бюджети ЯИМга нисбатан – 0,1 % профицит билан бажарилди

Фойдаланилган адабиётлар

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “2015 йилда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устивор вазирамиздир” мавзусидаги мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси \\
Туркистон, 2015 йил 17 январь, 2-бет.
- 2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. - <http://www.cbu.uz>
- S.Salayev, N.Fayzullayev, M.Gulmanov. Tadbirkorlik asoslari. - Toshkent: Fan va Texnologiya. – 2012. – 268 bet
- 10. S.Salayev, M.Gulmanov, D.Saidov, J.Atayev, B.Tadjiyev. Tadbirkorlik faoliyatini rejalashtirish asoslari. - Toshkent: Tafakkur Bo'stoni. – 2014. – 288 bet

***Эътиборингиз учун
ташаккур!***